



## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Халмурадов Элмурад Дилмурадович,  
Давлат бошқаруви академияси мустақил изланувчиси  
Тошкент, Ўзбекистон

### THEORETICAL FOUNDATIONS OF USING DIGITAL TECHNOLOGIES IN TRANSFORMING CORPORATE GOVERNANCE MECHANISMS IN COMMERCIAL BANKS

*Khalmuradov Elmurod Dilmuradovich,*  
*Independent Researcher at the Academy of Public Administration*  
*Tashkent, Uzbekistan*

#### JEL Classification: C1, C23

**Аннотация.** Мазкур мақола акциядорлик тијкорат банкларида корпоратив бошқарувни трансформация қилиши орқали, мамлакатимизда капитал бозорига пул маблағларини жалб қилиши механизмларини оптималлаштириши, тијкорат банкларининг инвестициявий жозибадорлигини ошириши, банклар фаолиятига хорижий ва маҳаллий инвестерларнинг маблағларини жалб қилиши аҳамиятини очиб бершига ҳамда бу борада иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардаги тијкорат банкларида корпоратив бошқарув механизмларининг трансформация жараёнлари ва уларга таъсир қуловчи омилларни таҳлил қилишига рақамли технологияларни жорий қилиши ва бу орқали корпоратив бошқарув механизмларининг шаффофлигини, ошкоралигини ва иқтисодий аҳамиятини очиб бершига ҳамда “экология, ижтимоий сиёсат ва корпоратив бошқарув”нинг (ESG) тамойилларини ишилаб чиқшига илмий қарашлар алоҳида ёритилган.

**Abstract.** This article describes the importance of optimizing the mechanisms for attracting funds to the capital market in our country, increasing the investment attractiveness of commercial banks, attracting funds from foreign and local investors in the activities of banks, and in connection with this, corporate investment mechanisms. management in commercial banks of developed countries, the introduction of digital technologies to analyze transformation processes and the factors influencing them, and thereby identify the transparency, transparency and economic significance of corporate governance mechanisms, as well as scientific views on the development of the corporate governance system. the principles of “ecology, social policy and corporate governance” (ESG) are highlighted.

**Калим сўзлар:** корпоратив бошқарув, рақамли технологиялар, трансформация, қимматли қоғозлар бозори

**Keywords:** corporate governance, digital

*technologies, transformation, securities market*

**Кириш.** Акциядорлик тижорат банкларида корпоратив бошқарувни трансформация қилиш жараёнларини амалга оширишда рақамли технологиялардан фойдаланиш ҳозирги замон иқтисодиётининг муҳим инновацион таркибий қисмига айланмоқда. Корпоратив бошқарувда рақамли технологиялар банкларнинг фаолиятини оптималлаштириш, мижозларга хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, шунингдек, банкларнинг хизмат кўрсатиш бозорида рақобатбардошлигини сақлашга катта ёрдам беради.

Мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларининг ривожланишида давлат улуши юқори бўлган акциядорлик жамиятларининг, шунингдек тижорат банкларининг роли жуда бекиёс хисобланади. Шу сабаб тижорат банкларининг фаолиятини янада ривожлантириш ва уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрнини янада мустахкамлаш масаласи давлатимиз томонидан кўллаб-қувватланишилиги мухимdir.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, Давлат улуши мавжуд корхоналар сўнгги 20 йил ичida энг йирик ва энг тез ривожланаётган трансмиллий компаниялардан бўлмоқда. Халқаро валюта жамғармаси тадқиқоти шуни кўрсатмоқдаки, сўнгти 10 йил ичida дунёning энг йирик корпорациялари орасида давлат улуши мавжуд корхоналарнинг аҳамияти икки баравар ошган, уларнинг активлари 45 трлн. АҚШ долларидан миқдорида жами глобал ялпи ички маҳсулотнинг 50 фоизини ташкил этди” [20]. Бу эса жаҳон миқёсида давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни

такомиллаштириш масалаларининг долзарблиги ошиб бораётганини кўрсатади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий усуллари ва тамойилларини жорий этиш, акциядорларнинг компанияни стратегик бошқаришдаги иштирокини таъминлаш, давлатнинг таъсирини камайтириш ва компанияларга иқтисодий мустақиллик бериш каби амалий ҳаракатлар ва бундай ҳаракатларнинг хуқуқий асослари яратилмоқда.

Шунингдек

Мамлакатимизни ривожлантиришнинг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да “.....давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини якунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улушини 60 фоизгача чиқариш, иқтисодиётнинг реал секторида тижорат банкларида ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасида 700 нафар мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 млн. АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш каби вазифалар белгиланганлиги [2] ва давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш механизмларини трансформация қилишдаги асосий вазифаларни бажариш ушбу мавзунинг долзарблигини билдиради.

Мақолада кузатув, абстрактмантикий фикрлаш, тизимли таҳлил, таққослаш ва иқтисодий шарҳлаш усулларидан фойдланилган.

Жаҳонда корпоратив бошқарув ва уни трансформация қилишдаги муаммолар ва уларнинг ечимини топиш жараёнларини такомиллаштириш борасида кўплаб илмий

тадқиқотлар олиб борилмоқда. Тижорат банклари фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлигини янада ошириш, уларнинг ҳисботларини халқаро стандартлар асосида тузиш ва унинг тұғрилигини таъминлаш, экологик, ижтимоий сиёсат ва корпоратив бошқарув (ЕСГ) тамойилларини жорий этиш, унинг механизмларини такомиллаштириш, бошқарув органлари фаолиятини самарали йүлга қўйиш ва корпоратив бошқарув механизмларининг самарадорлигини баҳолаш, бу борада амалга оширилаётган илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Корпоратив бошқарув ва уни трансформация қилишдаги муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш йўлларини ишлаб чиқишида Ўзбекистонлик олимлар ҳам тадқиқ ишларини оилиб бормоқда. Бундай олимлар орасида Б.Ходиев, Д.Суюнов [15], М.Хамидулин, Д.Бегматова, Н.Расулов [16] ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Бироқ, Ўзбекистонда давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизмларини трансоформация қилишни такомиллаштириш, шу тариқа, улар фаолиятини бошқаришнинг очиқлиги ва шаффоғлигини янада ошириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, бошқарув самарадорлигини таъминлашда ахборот технологияларидан фойдаланиш масалаларига катта эътибор қаратилиш зарурияти туғилмоқда. Шунга биноан, бу борада илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиши масалалари муҳим аҳамият қасб этади.

Корпоратив бошқарув корпоратив менежментга нисбатан компанияни бошқаришнинг анча юқори даражасида туради. Шунинг учун, уларни алоҳида соҳаларга ажратилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Акциядорлик тижорат

банкларида корпоратив бошқаув механизмларини трансформация қилишга рақамли технологияларни жорий этиш молиявий ландшафтни тубдан ўзгартирмоқда ва бунинг назарий асосларини чукур англаш заруриятга айланмоқда.

**Натижалар.** Бугунги кунда акциядорлик тижорат банкларида рақамли технологиялардан фойдаланиш орқали корпоратив бошқарув механизмларини трансформация қилиш жараёни ва унинг назарий асослари бўйича иқтисодчи олимлар томонидан турлича ёндашувлар ва қарашлар мавжуддир. Бу борада, Д.Суюновнинг изланиши алоҳида қизиқиши уйғотади. Унинг таъкидлашича “Корпоратив бошқарувнинг мазмун моҳияти - корпоратив корхона менежерининг фаолияти устидан акциядорлар ва инвесторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ички назоратни ҳамда бошқа манфаатдор гурухларнинг у ёки бу ҳолатда қизиқишини ҳимоя қилишга қаратилгандадир. Корпоратив бошқариш - бу бозор иқтисодиёти шароитида корпоратив корхона фаолиятига, фаолият олдига қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилган ва мавжуд барча ресурслардан самарали фойдаланиш орқали фойда олишга қаратилган профессионал даражадаги раҳбарлик қилишдир [6]”-деган фикрни билдирадилар.

Бундан ташқари корпоратив бошқарув ва корпоратив бошқарув механизмларига турлича қараш ва ёндашувлар мавжуд. Д.Суюновнинг фикрича, “....корпоратив бошқарув - корпоратив мулк шаклига кирувчи субъектларнинг мулкдорлари (акциядорлари) инвесторлари ва бошқа стейкхолдерларнинг манфаатлари, хукуқлари ва уларнинг теглилигини

таъминлашга ва корпоратив корхонанинг ўз функциясини, вазифаларини бажариш орқали максимал фойда олишини таъминлашга қаратилган харакатлар мажмуасига тушунилади [3]" деган фикрни ҳам билдирадилар. Корпоратив бошқарув механизмлари деганда эса - бу корпоратив мулк шаклига кирувчи субъектларнинг белгиланган мақсадига эришиш учун зарур бўлган ижтимоий-иқтисодий, хуқуқий ва ташкилий муносабатларни ҳаракатга келтирувчи элементлар мажмуудир [21]. Бундан ташқари мамлакатимизда 2015 йилнинг 31 декабрида Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизмини такомиллаштиришнинг ишчи комиссияси томонидан қабул қилинган "Корпоратив бошқарув кодекс" и қабул қилинди ва кодексда ҳам корпоратив бошқарувга қўйидагича таъриф берилган: Корпоратив бошқарув – бу акциядорлик жамияти (АЖ) ижроия органи, унинг кузатув кенгаши, акциядорлари, меҳнат жамоаси вакиллари ва бошқа манфаатдор томонлар, жумладан кредиторларнинг манфаатларнинг мувозанатига эришиш мақсадида, АЖ фаолиятини самарали ташкил этиш, модернизациялаш, ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик қайта қуроллантириш, рақобатбардош маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни ташқи бозорларга экспорт қилишни таъминлашга қаратилган ўзаро муносабатлар тизимирид. Юқорида келтирилган таърифлардан фойдаланган ҳолда фикримизча, Корпоратив бошқарув муаммоси етакчи олимлардан Д.Х.Суюновнинг илмий изланишларида батафсил ва кенроқ ёритилганлиги кўриш мумкин. Демак, корпоратив бошқарув» тушунчаси мазмунини қўйидагича очиб бериш мумкин бўлади: Корпоратив бошқарув – бу акциядорлар, инвесторлар ва акциядорлик жамиятининг фаолиятидан

манфаатдор бўлган барча субъектларнинг (сейкхолдерлар) хуқуқларини, мафаатларини ва уларнинг тенглилигини таъминлашга ва химоя қилишга қаратилган, акциядорлик жамиятининг олдига қўйилган вазифа ва функциясини бажариш орқали максимал фойда олишга қаратилган харакатлар мажмуасига ёки йифиндисига тушунилади.

Хулоса қиласиган бўлсак, рақамли иқтисодиёт шароитида корпоратив бошқарувнинг моҳияти акциядорларга корхона қийматини ошириш учун менежмент фаолиятини самарали назорат қилиш ва мониторинг юритиш имкониятини беришда, бошқарувнинг назорат функциясини таъминлашда ички тартиб усуслар ҳамда ташки хуқуқий ва тартибга солиш механизмларини ҳамда жахон тажрибасидаги корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартларини жорий қилишнинг хуқуқий асосларини назарда тутади.

Корпоратив бошқарувнинг механизмларига ҳам турли олимлар томонидан турлича фикралар билдирилмоқда. Россиялик муаллифлардан бири Д.Исаев корпоратив бошқарув механизмларининг, моҳиятига кўра, у корпоратив назоратни ўрнатиш воситаларирид деб талқин этган [22]. Яна бир россиялик олим Л.Путтерман корпоратив бошқарув механизмини икки жиҳатдан тушунади: иқтисодий ва хуқуқий жиҳатлардан. Иқтисодий жиҳатдан, корпоратив бошқарув механизми - бошқарув тамойиллари, усуслари ва шакллари мажмуи бўлиб, унинг ёрдамида корпорация раҳбарияти унинг инвестиция жозибадорлигини ошириш, қийматини капитализация қилиш, акциядорлик капиталини самарали кўллаш мақсадида иқтисодий қонунлардан фойдаланади. Хуқуқий жиҳатдан эса, корпоратив бошқарув механизми - меъёр,

чеклов ва стандартлар мажмуи бўлиб, улар корпоратив бошқарув мақсадларига эришиш, чунончи корпоратив муносабатлар иштирокчилари (аввалимбор, акциядорлар ва раҳбарият)нинг қонуний ҳуқук ва манфаатларини ҳимоялаш, назорат (эгалик қилиш) функциясини бошқариш функциясидан ажратиш муаммосини мақбул ҳал этиш имкониятини олдиндан белгилаб беради [23].

Муаллиф Беликов И.В. ва бошқалар корпоратив бошқарув механизmlарини бозор иқтисодиётига ўтиш шароити нуқтаи-назаридан ўрганган. Уларнинг фикрича, бозор иқтисодиётида корпоратив бошқарув механизmlари мулкчилик ҳуқуқини рўёбга чиқаришни таъминлашга ҳамда корпоратив назоратнинг муайян тузилмаларини шакллантиришга йўналтирилган. Моҳиятига кўра, механизmlар бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида корхона раҳбариятини унинг мулкдорларинг томонидан назорат қилиш усуллари сифатида, шунингдек етакчи менежерларни ўз-ўзини ҳимоялаш ва қарши таъсир кўрсатиш усуллари сифатида ишлайди. Амалиётда корпоратив назорат жараёнида бошқа таъсир этувчи кучлар (турли даражадаги ҳокимият органлари, йирик меҳнат жамоаси) ҳам иштирок этади. Улар акциядор ва менежерлар билан иттифоққа киришган ҳолда ўз шахсий манфаатларини амалга оширадилар [24].

К.Шоулз, Дж. Джонсон ва Р.Уиттингтонлар фикрича, корпоратив бошқарув механизми муайян элементлар, воситалар, тартиботлар ва х.к. тўпламидан иборат бўлиб, улар компанияга қарор қабул қилиш учун зарур бўлган манфаатлар мувозанати ва ўзаро тийиб туриш тизимини яратиш ва сақлаб туришни таъминлайди, бундай қарор

билан эса барча манфаатдор томонларнинг манфаатлари кўпроқ инобатга олинади, барча учун умумий бўлган ресурсларни яратиш ва улардан фойдаланиш жараёнида суистеъмол ҳолларига йўл кўйилмайди [26].

Кўпгина адабиётларда корпоратив бошқарувнинг турли комплекс механизлари кўриб ўтилади. Жумладан, муаллифлар В.Бурков ва бошқалар корпоратив бошқарув механизmlарининг етти синфини ажратиб кўрсатадилар: корпоратив буюртмаларни тақсимлаш механизми, корпоратив молияни тақсимлаш механизми, корпоратив нархни шакллантириш механизми, корпоратив солиққа тортиш механизми, корпоратив стратегияни шакллантириш механизми, корпоратив сұфурталаш механизми, корпоратив ресурслар алмашинуви механизми. Бироқ, фикримизча, муаллифлар корпоратив бошқарув механизmlарини менежмент нуқтаи-назаридан ўрганганлар .

Фикримизча, корпоратив бошқарув назариясида корпоратив бошқарув механизminинг икки турдаги элементлари ажратилади, яъни ички ва ташқи механизми. Корпоратив бошқарув механизminинг ташқи элементлари ташкилот ташқи муҳити таъсири билан боғлиқ, ички элементлари эса ташкилот ичидаги бошқарув ҳаракатларининг натижаси ҳисобланади. Корпоратив бошқарувнинг ташқи ва ички механизми элементлари ташқи муҳитнинг таъсири (бошқарувнинг ташқи механизmlари) ҳамда компанияларда бошқарувнинг ички амалий механизmlарини ифодалайди. Шунга кўра, аксарият адабиётларда корпоратив бошқарувнинг ички ва ташқи механизmlари алоҳида тадқиқот объектлари бўлиб келган, бунда муаллифлар корпоратив бошқарувнинг ташқи механизмига бир турдаги

элементларни киритсалар, ички механизмларига эса бошқа турдаги элементларни киритадилар.

Хорижлик олимлардан Е.Н. Ваисов хам корпоратив бошқарув механизмларини ички ва ташқига бўлиб, корпоратив бошқарувнинг ички механизмлари директорлар кенгаси ва мулкчилик структураси орқали ишлайди, унинг ташқи механизмлари эса корпоратив назоратнинг ташқи бозори (кўшилиш ва бирлашишлар бозори) ва мамлакат хукуқий тизими билан боғлиқ, деб таъкидлайди [26]. Муаллифлардан Е.Порта, Р.Лопесва А.Шлеферлар ўз ишларида корпоратив бошқарувнинг ички механизмлари акциядорларнинг умумий йигилиши, директорлар кенгаси, ижрои раҳбариятдан, шунингдек ташқи механизмлари капитал бозори, давлат сектори, қонунчилик ва меҳнат бозоридан иборатлигини кўрсатадилар ва уларнинг компания самарадорлиги билан боғлиқлигини аниқлаб берадилар [27].

Джонсон Дж., Шоулз К., Уиттингтон ва бошқаларнинг кўпгина тадқиқотларида корпоратив бошқарувнинг ташқи механизмлари сифатида молиявий бозорлар, корпоратив назорат бозори, банкротлик ҳамда ички механизмлари сифатида директорлар кенгаси, дивиденд сиёсати, давлатнинг корпоратив бошқарувда иштироки бўйича баъзи амалий муаммолар ўрганилган [28]. Муаллиф Боб Трикернинг фикрига кўра корпоратив бошқарув муаммоларини ҳал этишга ёрдам берувчи бир қанча корпоратив бошқарув механизмлари, жумладан, менежерларни мукофотлаш, директорлар кенгаси, йирик акциядорлар томонидан назорат каби ички ҳамда корпоратив назорат бозори, менежерлар бозори, маҳсулот ва хизматлар бозори каби ташқи механизмларни кўрсатиб ўтади [29].

Фикримизча, корпоратив корхоналарда корпоратив бошқарув механизми корпоратив мулкдорларнинг (акциядорларнинг) бевосита ўз мулкини яъни компаниясининг фаолиятини назорат қилишдан ва бошқаришдан узоклаштирилиши оқибатида юзага келган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган корпоратив корхоналар фаолиятини тартибга солувчи барча қонунлар, фармонлар, қарорлар, низомлар, тартиблар ва қоидаларни ўз ичига оловчи, корхона фаолияти самарадорлигини таъминлаш ва мулкдорлар ҳамда бошқа манфаатдор шахслар яъни стейкхолдерлар (ходимлар, кредиторлар, ҳамкор корхоналар) манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича корхона менежерлари ва эгалари (акциядорлар) ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилаб берувчи тизимни ўз ичига олади.

Бугунги кунда бундай тизмини тижорат банкаларида трансформация қилиш бу корпоратив бошқарув жараёнига рақамли технологияларни кўллашни тақозо қиласди. Банкларда хизмат кўрсатиш ва бошқарув жараёнларида рақамли техногологиялардан фойдаланиш жараёнларига иқтисодчи олимлар турли илмий қарашларни ўз ишларида турлича ифода қиласдилар. Р.Марито .рақамли трансформация банк хизматларини кўрсатишнинг замонавий усулларини кенг жорий этишни назарда тутади. Банк филиаллари сони камаймоқда, кўплаб хизматлар онлайн хизматларга ўтказилмоқда, айниқса кредитлар бериш ёки маблағларни инвестициялашда рақамли технологиялар қўлланилмоқда [30].

С.Матт, Т.Хесс ва А.Бенлиянларнинг илмий ишларида банкларнинг рақамли трансформациясининг асосий тенденциялари бизнес жараёнларини

комплекс автоматлаштириш, шу жумладан СРМ тизимларини (мижозлар билан озаро муносабат тизими) жорий этиш, мижозларни Интернет ва мобил қурилмалар орқали масофавий хизмат кўрсатиш каналларига ўтказиш ҳисобланади. Айрим банклар биометрик идентификатсия элементларини жорий қилди, блокчейн технологиялари соҳасида лойиҳаларни амалга оширмоқда ва Финтех компаниялари билан экотизимлар яратди. Хизмат кўрсатиш учун электрон каналларнинг кенг доираси мавжудлиги банкларга транзакция ҳаракати ва хизмат кўрсатиш тарихини таҳлил қилиш асосида мижозларга мақсадли дастурлар яратиш ва хизматларни таклиф қилиш имконини берди [31].

С.В. Ештокиннинг фикрича, бевосита банк соҳасини рақамли трансформациялаш жараёни деганда

банклар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган рақамли технологиялардан фаол фойдаланиш тушунилиши мумкин. Рақамлаштириш билан рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга ёрдам берувчи турли инновацион технологиялар жорий этилмоқда, бу еса тижорат банкларининг мижозлар ва давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги соддалаштирилди [32]. С.Ю. Перцева ўз илмий ишларида, Финтех - бу молиявий хизматлар ва технология секторлари чорраҳасида жойлашган динамик сегмент бўлиб, унда технологик стартаплар ва бозорнинг янги иштирокчилари ҳозирда анъанавий молиявий хизматлар сектори томонидан тақдим этилаётган маҳсулот ва хизматларга инновацион ёндашувларни кўллайдилар [32]

**Мижозларга исталган вақтда банк хизматлари ва банк ҳисоб рақамига кириш учун каналлар яратилганлиги.** Буларга мобил банкинг, банкоматлар ва бошқалар киради

**сўровларни амалга ошириш учун маҳсулотлар яратилмоқда:** контактсиз тўловлар, виртуал карталар, Сунъий интеллект ва бошқалар

**Рақамли хизматларга йўналтирилган бизнес модели такомиллаштирилади ва очиқланади**

**Молиявий бозорлар ва бизнес сегментлари ҳақидаги маълумотларни қайта ишлаш учун мўлжалланган рақамли таҳлил воситаларининг ихтироси ошади**

**Банк фаолиятини стратегик мувофиқлаштириш ролини ўйнайдиган тизими яратилади**

**Расм 1. Тижорат банклари тизимидағи ўзгаришларининг босқичлари**

М.И.Ивлеванинг

фикарича рақамли банк [34] электрон айланма моделидан фойдаланган ҳолда фаолият юритувчи филиалсиз банк ҳисобланади. Рақамли тармоқ рақамли банкнинг асоси бўлиб, қўнғироқлар маркази, интернет-банкинг, мобил банкинг ва филиаллар қўйилган пойдеворга фақат ёрдамчи қўшумчалардир. Шундай экан тижорат банклардаги ўзгаришларнинг бир неча босқичларини кўрсатиб ўтиш мумкин бўлади (1-расм).

О.В.Сидиская ...Рақамли трансформация концепциясининг марказида ҳаётнинг барча соҳаларида кузатиладиган технологик жараёнлардаги туб ўзгаришлар ётади. Бизнесда рақамли трансформация бизнес стратегияси, моделлари, операциялари, маҳсулотлари, маркетинг ёндашуви ва мақсадларини қайта кўриб чиқишга олиб келади. Бу савдо ва бизнес ўсишини тезлаштиради. Иқтисодиётнинг рақамли трансформациясининг ажралмас қисми банк секторининг рақамли трансформацияси ҳисобланади. У куйидаги мақсадларни кўзлайди: қарор қабул қилиш тезлигини ошириш, мижознинг эҳтиёжлари ва хусусиятларига қараб жараёнларнинг ўзгарувчанлигини ошириш, жараёнга жалб қилинган ходимлар сонини камайтириш [35].

В.С.Токаревнинг фикарича -

Банк фаолиятини рақамли трансформация килиш узлуксиз жараён сифатида кўриб чиқилиши керак, унинг мазмуни ва хусусиятлари банк ва унинг филиали учун концептуал бўлган омиллар мажмуи ёки рақамлаштирилиши керак бўлган алоҳида операция (хизмат) билан белгиланади. Банк фаолиятиниг самарадорлигини таъминлаш учун зарур булади. Сўнгги йилларда банк фаолиятини рақамлаштириш консалтинг-таҳлил агентликлари ва компаниялари олимлари ва амалиётчиларининг дикқат марказида бўлди. Бунинг сабаби шундаки, тижорат банклари рақамлаштириш соҳасида етакчи ўринларни эгаллаб, шу орқали бошқа соҳа ва йўналишлардаги корхона ва ташкилотларга йўналтирувчи бўлиб хизмат қилмоқда” [36]. “Банк фаолиятини рақамли трансформация қилиш мураккаб жараён бўлиб, унинг самарадорлиги қўплаб контекстуал омилларни ҳисобга олишни талаб киласи, улар банкда рақамлаштиришнинг хусусиятлари ва самарадорлигини белгиловчи ташқи ва ички таъсир этувчи омиллар сифатида тушунилади. фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, кўлами ва ривожланиш истиқболларини ҳисобга олиш”.

Банк секторидаги барча жорий рақамлаштириш тенденцияларини олтита катта гурухга булиш орқали тизимлаштириш мумкин (2-расм).

Шундай таъкидлаш жойизки, банк тизмини тарнсформация қилиш жараёнида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иктисодий механизмини назарий-услубий аҳамиятга молик концептуал модель ҳисобланиб, унда куйидаги элементлар ўрин олиши мумкин:

1) корпоратив бошқарувнинг ташкилий механизмининг элементлари:

- бошқарув структураси (корпоратив бошқарувда қайси бошқарув субъектлари (яни корпоратив бошқарув органлари)нинг иштирок этиши ва уларнинг қандай ўзаро муносабат ва таъсир қилишини кўрсатади);


- ташкилий тадбирлар ва омиллар (ҳар бир бошқарув

субъекти томонидан корпоратив бошқарувни самарали ташкил этиш ва самарали қарорларни қабул қилишда қандай ташкилий тадбир ва омилларни амалга ошириш лозимлигини кўрсатади);

2) корпоратив бошқарувнинг иктисодий механизмининг элементлари:

- иктисодий усуллар (бошқарув субъектларининг қандай иктисодий усулларни қўллаган холда корпорациянинг самарали фаолиятини таъминлаш мумкинлигини кўрсатади);

- иктисодий дастаклар (бошқарув субъектларининг қандай иктисодий дастаклар орқали корпорациянинг самарали фаолиятига таъсир этиш мумкинлигини кўрсатади);



**Расм 2. Тижорат банк секторидаги барча жораёнларни рақамлаштириш тенденциялари.**

- иқтисодий таъсир шакллари (бошқарув субъектлари томонидан иқтисодий таъсир этишни қандай турдаги ҳужжатлар асосида амалга ошириш мүмкінлигини күрсатади);

-ахбот таъминоти (бошқарув субъектлари томонидан корпорациянинг самарали фаолиятига иқтисодий таъсир этиш усуллари, дастаклари ва шаклларидан фойдаланишлари учун қандай ахботлар талаб этилишини күрсатади);

-иқтисодий самарадорликни баҳолаш мезонлари (корпорациянинг иқтисодий самарадорлиги қандай мезонлар асосида баҳоланиши ва белгиланиши мүмкінлигини күрсатади).

3)корпоратив бошқарув механизмининг ташкилий ва иқтисодий мақсадлари:

- ташкилий мақсадлар (корпорацияда яхши корпоратив бошқарувни ташкил этиш ва амалга оширишда эришилиши күзда тутилган мақсадлар);

- иқтисодий мақсадлар (корпорациянинг барқарор иқтисодий ўсиши ва самарали фаолиятини таъминлашда эришилиши күзда тутилган мақсадлар).

**Мұхомама.** Бир неча илмий тадқиқотлар асосида олиб борилған адабиёт тақлилларига күра, рақамли

трансформация банк соҳасининг ривожланишига сезиларли таъсир күрсатади. Рақамли трансформация банклар учун янги имкониятлар яратыб, уларнинг ривожланишини тезлаштиради. Лекин бу жараёнда анъянавий тизимлардан рақамли тизимларга ўтишда ходимларга қўшимча ўқув машғулотлари ва малака ошириш курсларининг ўtkазилиши зарур. Шунингдек, киберхужумлар хавфи туфайли тизимни мунтазам равишда янгилаш талаб қилинади. Рақамли трансформация банкларга ўз фаолиятини яхшилаш ва мижозларга яхшироқ хизмат күрсатиш имконини беради. Бироқ, технология, регуляция ва ташкилот маданиятидаги ўзгаришларга эътибор қаратиш зарур. Рақамли технологияларга муваффақиятли ўтиш учун банклар тўғри стратегияни қабул қилишлари, технология инфратузилмасини мустаҳкамлашлари ва мижоз эҳтиёжларини ҳисобга олишлари лозим.

Хулоса қиладиган бўлсак, акциядорлик тижорат банклари бошқаришни трансформация қилишнинг энг муҳим муаммоларига ечимлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

Биринсидан, корпоратив бошқарувнинг замонавий назарий асослари ва фундаментал

қоидаларини илмий ва амалий томондан ишлаб чиқиш керак бўлади. Бунда акциядорлик жамият тараққиётининг янги шароитларда бошқарувнинг моҳияти, аҳамияти, мазмуни, мақсади ва вазифаларини аниқлаш.

Иккинчидан, корпоратив бошқарувни замонавий ва ESG тамойиллари асосида тижорат банкаларининг иқтисодиёти ва хўжалик фаолиятини рақамлаштириш тамойиллари ҳамда усуллари билан уйғунлаштириш.

Учинчидан, акциядорлик жамиятини бошқаришда қарорлар қабул қилишнинг энг юқори самара келтирадиган усулларини (рақамли моделларини қўллаш) аниқлаш.

Тўртингчидан, тижорат банкларининг миссияси асосида бошқарув тизимининг ташкилий тузилмасини, уларнинг функциялари, хукуқлари, экология, ижтимоий сиёсатини ва мажбуриятларини белгилаш.

Бешинчидан, банкларнинг хозирги замон янги техника ва технологияси яъни рақамли иқтисодиёт талаблари даражасида таъминлаш, улар фаолиятида статистик ва иқтисодий-математик усулларни кенг миқёсда жорий этиш, ахборот таъминоти ва бошқарув жараёнида ишлатиладиган хужжатлаштириш тизимини такомиллаштириш.

Олтинчидан, тижорат банклари жамоасини бошқаришнинг

энг яхши шакл ва усулларини излаб топиш, бошқарувда инсон омилининг рақамли технологияларни қўллаш орқали таъсирини камайтиши ҳамда уларни ишлаб чиқариш бошқарувида жорий этиш;

Еттинчидан, банкларни ва унинг барча тармоқларида корпоратив бошқарувни хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан кенг миқёсда фойдаланишни таъминлаш зарур бўлади. Бошқарув жараёни қаерда амалга оширилишидан қатъий назар, циклли (даврий) ва айни вақтда узлуксиз ҳисобланади. Бошқарув даври мақсаднинг аниқланишидан унга эришилгунгача бўлган вақтни ўз ичига олади. Демак, унинг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат: мақсадни шакллантириш (белгилаш), мақсадни режалаштириш ва башорат қилиш, қабул қилинган қарорлар ёки мақсадли вазифаларни мувофиқлаштириш, эришилган натижаларни таҳлил этиш ва баҳолаш, янги рақамли бошқарувли тизимни танлаб олиш ва аниқлашдир.



## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 05.10.2020 йилдаги ПФ-6079-сон “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й.,
3. Суюнов Д.Х. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Тошкент, Академия нашриёти, 2017 йил, 315 бет.
4. Корпоратив бошқарув кодекси”- № 9 сонли баённома, 31- декабрь 2015 йил.
5. Suyunov D.X.: Qodirov. T.U.: Ways for a leader to work on speech and improve speaking skills. American journal of pedagogical and educational research,11, 29-32, 2023.
6. Суюнов Д., Рўзиев А., Кенжабаев А.: Электрон тижорат. “BROK CLASS SERVIS” МЧЖ босмахонасида чоп қилинган. Дарслик. 2023 йил. 356 бет.
7. Suyunov D.X.: Assessment of the possibilities of using digital models of corporate management in joint-stock commercial banks. Miasto Przyszlosci Kielce 2024 Impact Factor: 9.9 ISSN-L: 2544-980X 1588Vol. 49 (2024).
8. Суюнов Дилмурод Холмуродович: Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив назорат тизимини жорий этишини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари. Boshqaruv va etika qoidalari onlayn ilmiy jurnali,3,2,433-441,2023.
9. D Suyunov, A Qodirjanov.Human development summary capturing achievements in the hdi and complementary metrics that estimate gender gaps, inequality, planetary pressures and poverty. human development.Молодые ученые 2 (17), 95-100. 2024.
10. 12. ДХ Суюнов, Д Мирхидоятова. Корпоратив бошқарувда рейтинг даражалари ва мониторинг тизими. Uzbek Scholar Journal 27, 80-87. April – 2024. [www.uzbekscholar.com](http://www.uzbekscholar.com).
11. S.D Kholmuradovich, Improving the methods of assessing the economic efficiency of digitalization of corporate management in joint-stock commercial banks. Holders of reason 2 (3), 127-133.
12. Suyunov D.X.: Korporatsiya status va rivojlanish yo'llari. Holders of reason, 2, 3, 134-139, 2024.
13. Д.Х Суюнов, Ф.М Махкамбаева. Давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятларида илғор хорижий тажриба асосида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш. Uzbek Scholar Journal 26, 39-44.2024.
14. S Dilmurod, K Karimov, Pharmacokinetic parallels of gentamicin in blood, lymph nodes and soft tissues of a gunshot wound to an extremity by different methods of administration. Central Asian Journal of Medical and Natural Science 4 (6), 405-411. 2023.
15. Suyunov D.X.: Problems in the development of remote banking services in commercial banks of Uzbekistan. World Economics & Finance Bulletin (WEFB) Available Online at: <https://www.scholarexpress.net>. Vol. 26, September, 2023ISSN: 2749-3628.
16. Green Economy and Ways of its Development in Uzbekistan SD Kholmurodovich, PDAB Batirovich Genius Repository 24, 7-15.

17. Suyunov D.X., Qodirjanov Abdugaffor.: "Human development summary capturing achievements in the hdi and complementary metrics that estimate gender gaps, inequality, planetary pressures and poverty. Human development index", молодые ученые, 2, 17, 95-100, 2024.
18. Суюнов Д.Х.: Improving the methods of assessing the economic efficiency of digitalization of corporate management in joint-stock commercial banks. Holders of reason, 2,3,127-133, 2024.
19. D.X Suyunov, VR Kaytavov, Current issues of digitization of transformational processes in commercial banks. American Journal of Business Management, Economics and Banking 10, 38-45. 2023.
20. Building SOE Crisis Management and Resilience Emerging Practices and Lessons Learned during the COVID-19 Crisis, 2022, World Bank Group, Page 3
21. Suyunov D.X., Elmizayev. S.E.: Korporativ boshqaruv, 2021. - 356 бет
22. Исаев Д. Корпоративное управление и стратегический менеджмент: информационный аспект. Litres, 2019
23. Puttermann, Louis, and Xiao-Yuan Dong. 2000. China's State-Owned Enterprises: Their Role, Job Creation, and Efficiency in Long-Term Perspective. Modern China 26(4): 403-47.
24. Беликов И.В. и др. Корпоративное управление и экономический рост в России. - М., 2004. - 120 с.
25. Джонсон Дж., Шоулз К., Уиттингтон Р. Корпоративная стратегия. Теория и практика. - М.: Вилямс, 2007. - С. 71
26. Veasey E.N. The Emergence of Corporate Governance as a New Legal Discipline // The Business Lawyer. - August 1993. - Vol.48, Issue 4. - P. 1267-1271.
27. Ea Porta, R., Lopez-de-Silanes F., Shleifer A. 1999. Corporate Ownership Around the World. // Journal of Finance. - 1999. - Vol.54. - P. 471-517.
28. Джонсон Дж., Шоулз К., Уиттингтон Р. Корпоративная стратегия. Теория и практика. - М.: Вилямс, 2007. - С. 71.
29. Bob Tricker, Corporate Governance: Principles, Policies, and Practices. OXFORD Universite press. Second international edinion.2020.
30. Martino P., Schaffner J. Raqamli transformatsiyaning bank operatsion modellariga ta'siri. Deloitte. 2015 yil.
31. Matt C., Hess T., Benlian A. Raqamli transformatsiya strategiyalari // Biznes va axborot tizimlari muhandisligi. 2015. jild. 57. № 5. B. 339-343.
32. Eshtokin S.V. Цифровая трансформация российских банков в условиях больших вызовов и угроз // Экономика и социум: современные модели развития. – 2021. – Том 11. – № 1. – С. 47-58. – doi: 10.18334/ecsoc.11.1.111622.
33. Перцева С.Ю. Финтех: механизм функционирования / С.Ю. Перцева // Инновации в менеджменте. 2017. №12. — С. 50–53.
34. Ивлева, М. И. Тенденция цифровизации банковской отрасли / М. И. Ивлева. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2020. — № 2 (292). — С. 268-270.
35. Сидская Ольга Владимировна, Влияние цифровой трансформации на банковскую конкуренцию. ISSN 2221-755X Вісник університету банківської справи 2020 № 1 (37). С.69-74.



- 
36. Токарев Владимир Сергеевич. Факторы, влияющие на цифровизацию банковской деятельности, и их особенности // Известия СПбГЭУ. 2021. №1 (127). С.185-190.